



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SAMARQAND VILOYATI OQDARYO TUMAN HOKIMINING QARORI

141000, Loyish sh., Amir Temur shox ko'chasi 39-uy.

20__-yil 21 - 26 fevral

71-Q-son

Loyish sh.

Давлат хусусий шериклик шартлари асосида ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 10 майдаги ЎРҚ-537-сон “Давлат хусусий шериклик тўғрисида”ги қонунининг 12¹, 17, 21, 25, 26-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 апрелдаги “Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 259-сон қарори, Миёнқол маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Давронов Ҳалимжон Салимович билан тузилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим”ни инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6-25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Миёнқол маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи фуқаро Давронов Ҳалимжон Салимович билан тузилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида қуриш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим” маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Оқдарё тумани Миёнқол маҳалласи ҳудудида жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган ерлар ҳисобидан фуқаро Давронов Ҳалимжон Салимовичга давлат-хусусий шериклик шартлари асосида “**Маҳалла маркази**” биноси қуриш учун 0,06 га ер майдони, Миёнқол маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда савдо комплекси” биносини қуриш учун кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган 0.12 га ер майдони ажратиб берилсин.

3. Фуқаро Давронов Ҳалимжон Салимович зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин.

- Оқдарё тумани Миёнқол маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан “Миёнқол” маҳалла биносини қуриш учун ажратилган жами 0,06 га ер майдонидан 3 (уч) ой муддат ичида “**Давлат хусусий шерикчилиги асосида маҳалла маркази**” биносини замонавий лойиҳа асосида ходимлар учун 4 (тўрт) та хона ва 1 (бир) та


мажлислар зали биноларини куриб Миёнкол маҳалла фуқаролар йиғини балансига топшириш;

- Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида Миёнкол маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган 0,12 га ер майдонидан “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ҳамда савдо комплекси” бинолари куришга рухсат берилсин.

- Фуқаро Давронов Ҳалимжон Салимович ушбу “Маҳалла маркази” биносини 3 (уч) ой муддат ичида замонавий лойиха асосида куриб фойдаланишга топширмаган тақдирда мазкур қарор ва Давронов Ҳалимжон Салимович билан тузилган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи комплексини давлат-хусусий шериклик шартлари асосида куриш бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги Битим” ўз кучини юқотган деб ҳисобланиб, ажратилган 0,18 га ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олинсин.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юқлатилсин.

Туман ҳокими



Н.Сулаймонов